

«ТАСДИҚЛАЙМАН»

Республика Перинатал Маркази

Директори Урибаева Н.А.



2022 йил

Тўқимачилик махсулотларини кир ювиш бўйича профессионал
хизматларни курсатиш тиббиёт муассаси учун

ТАНЛОВ ХУЖЖАТИ

I. ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИСИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА

- | | | | |
|---|---|-----|---|
| 1 | Умумий қондалар. | 1.1 | Ушбу танлов ҳужжати Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонуни (бундан сўнг матнда – Қонун) ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20.02.2018 йилдаги қарори, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурдаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг 15 май 2018 йилдаги 185-сонли "Харидларни ташкиллаштириш ва ўтказиш ҳақидаги Низомни тасдиқлаш тўғрисида"ги буйруғи талабларига мувофиқ ишлаб чиқилган. |
| | | 1.2 | Танлов мавзуси: Тўқимачилик маҳсулотларини қир ювиш бўйича профессионал хизматларни қўрсатиш |
| | | 1.3 | Хизматларнинг энг энг юқори қиймати 15% ҚҚС билан 8 500,00 сўмни ташкил қилади. Танлов таклифда қўрсатилган нархлар энг юқори қийматдан ошмаслиги зарур. |
| | | 1.4 | Қўрсатиладиган хизматлар учун техник топширик танлов ҳужжатларининг техник қисмида тақдим этилган. |
| 2 | Танлов ташкилотчилари | 2.1 | Республика Перинатал Маркази (бундан сўнг «Буюртмачи»).
«Буюртмачи» манзили: Тошкент ш. Юнусобот тумани Боғишамол кучаси 223
Тел: (+998 71) 260-29-55
«Буюртмачи» реквизитлари:
401410860262667073310054001
СТИР 203858482
ОКЭД: 91514
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги
Марказий банк Тошкент шаҳар ҳисоб-китоб касса маркази Тошкент ш.
ЎЗР МБ Тошкент шаҳри бўйича ХҚКМ
х/р: 23402000300100001010
МФО 00014 |
| | | 2.2 | Буюртмачининг алоқа шахси:
ФИШ Зияева Д.У
email:,
Тел.: 71 260-29-55 |
| | | 2.3 | Шартнома тузувчи: Буюртмачи, Республика Перинатал Маркази |
| | | 2.4 | Танлов Буюртмачи томонидан тузилган, таркиби бешта аъзодан иборат бўлган Танлов комиссияси томонидан ўтказилади. |
| 3 | Танлов иштирокчилари | 3.1 | Танловда ТИЙ 4.11 да қўрсатилган юридик шахслардан ташқари, мулкчилик шаклидан қатъий назар исталган юридик шахслар ¹ , шу жумладан кичик бизнес субъектлари иштирок этишлари мумкин. |
| 4 | Танловни ўтказиш тартиби | 4.1 | <u>Танловда иштирок этиш учун иштирокчи қуйидагиларга мажбур:</u>
<u>а) танлов шартлари билан танишиш учун махсус ахборот порталида жойлаштирилган танлов ҳужжатларининг электрон шаклини олиш (юклаб олиш);</u>
<u>б) ушбу ТИЙ талабларига мувофиқ ҳолда малакавий ҳужжатлар ва танлов таклифини тақдим этиш;</u> |
| 5 | Танлов савдоларида қатнашиш учун иштирокчиларни малакавий танланиши | 5.1 | Танлов бошланишидан олдин, танлов комиссияси томонидан иштирокчиларнинг малакавий танланиши амалга оширилади. Танловда иштирок этиш учун фақат малакавий танловдан ўтган иштирокчиларгина руҳсат этилади. |
| | | 5.2 | Малакавий танловни ўтказиш учун зарур бўлган ҳужжатлар рўйхати, мазкур йўриқноманинг 1-иловасида (№1,2,3,5 шакллари) тақдим этилган. Барча малакавий ҳужжатлар танлов такливлари билан бирга ташқи конвертга солиниши лозим. |
| | | 5.3 | Малакавий баҳолаш мезонлари 2-иловада тақдим этилган. |
| 6 | Танлов тили, ўлчовлари | 6.1 | Иштирокчи ва буюртмачи томонидан амалга ошириладиган танлов таклифлари ва у билан боғлиқ бўлган корреспонденция ўзбек тилида бўлиши керак. |

- 7 **Танлов таклифи ва уни расмий лаштириш тартиби**
- 7.1 Иштирокчи техник ва нарх таклифларидан иборат бўлган ҳужжатлар тўпламини конвертда такдим этиши керак. Бунда ташки конверт ичига техник таклиф, нарх таклифи ва малакавий ҳужжатлар солинган алоҳида конвертлардан иборат бўлган катта конверт солинади.
- 7.2 Иштирокчининг танлов таклифи танлов комиссиясининг маъсул шахсига почта орқали юборилади ёки иштирокчининг ваколатли вакили орқали шахсан кўлига топширилади. Танлов таклифининг такдим қилиниш санаси ва вақти маъсул шахс томонидан танлов таклифларини рўйхатга олиш журналида қайд этилади ва иштирокчининг ваколатли вакили (агар бўлган тақдирда) имзоси билан тасдиқланади.
- 7.3 Танлов иштирокчиси:
такдим этилаётган маълумотлар ва ҳужжатларнинг ҳақиқийлиги ва ишончлилиги учун жавобгар;
факат битта таклиф беришга ҳақли;
таклифларни такдим этиш муддати яқунланганга қадар киритилган таклифни чақириб олиш ёки унга ўзгартириш киритишга ҳақли.
- 7.4 Танлов таклифи икки қисмдан иборат:
техник қисми Буюртмачининг техник талабларига мувофиқ бўлиши ва таклиф этилаётган дастурий маҳсулотнинг техник топшириқларга мувофиқ ҳолда батафсил ва аниқ тавсифига эга бўлиши лозим;
нарх қисми танлов шартларига мувофиқ бўлиши ва қуйидаги маълумотларга эга бўлиши зарур: хизмат номи, хизматларнинг нархи, якуний қиймат, хизматларни бажариш шартлари, тўлов шартлари, таклифнинг амал қилиш муддати ва ҳоказолар.
- 7.5 Танлов таклифи қуйидаги тарзда расмийлаштирилади.
Техник ва нарх таклифи солинган конвертда
- 7.6 Конвертнинг елимланган жойларида иштирокчининг муҳри қўйилган бўлиши керак.
- 7.7 Ҳужжатлар рақамланган, тикилган ва иштирокчининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши зарур.
- 7.8 Ҳужжатлар тикилган бўлиши лозим.
- 7.9 **Конвертда қуйидагилар кўрсатилади:**
Танлов мавзуси номи;
иштирокчи номи;
буюртмачи номи ва унинг манзили;
«таклифларни такдим этишнинг охириги муддатигача очилмасин» ёзуви (конвертларни очини санаси ва вақти кўрсатилсин), (шакл №8)
- 7.10 Конвертда мажбурий техник ҳужжатларнинг мавжудлигига бўлган талаблар.
Техник таклифлар веб-ресурсни ишлаб чиқиш бўйича хизматларни кўрсатишнинг техник шартлари, услубиёти (эҳтимол схемаси)га эга бўлиши керак.
Таклиф этилаётган хизматларнинг тўлик ва батафсил тавсифи.
- 7.11 Танлов иштирокчисининг техник ҳужжатлари ҳужжатларнинг рўйхати кўрсатилган ҳолда алоҳида тикилган, имзоланган ва рақамланган бўлиши зарур.
- 7.12 Нарх таклифи мажбурий ҳужжатларнинг мавжудлиги бўйича талаблар:
ушбу йўриқномага илова қилинган 7-шаклга мувофиқ ҳолда нарх таклифи ва нархлар жадвали.
- 7.13 Танлов иштирокчисининг нарх таклифи ва нархлар жадвали тикилган бўлиши лозим.
- 7.14 Маъсул шахс факат мазкур йўриқнома талабларига мувофиқ ҳолда расмийлаштирилган танлов таклифлари солинган конвертларнинг бутунлиги ва сақланиши учун жавобгар бўлади.

	7.15	<u>Танлов таклифлари « 13 » январь 2022 йил соат 10⁰⁰ гача қўйидаги манзилда қабул қилинади: Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Юнусобот тумани Боғишамол кучаси 223.</u>
	7.16	Иштирокчиларнинг танлов таклифи амал қилиш муддати, танлов таклифларини такдим этиш якунланган санадан бошлаб камида 30 кун бўлиши керак.
8	Танлов таклифларини такдим этиш муддати ни узайтириш	8.1 Танлов комиссияси танловни ёпиш санасини кўчириш (танлов таклифларини такдим қилиш муддатини узайтириш) ҳақидаги қарорни қабул қилиши мумкин бўлиб, ушбу қарор танловнинг барча иштирокчилари учун амал қилади. Танловни узайтириш муддати 10 кундан ошмаслиги керак
	8.2	Муддатни узайтириш тўғрисидаги қарор фақат танлов комиссиясининг мажлисида қабул қилинади.
	8.3	Танлов таклифларини такдим қилиш муддатларини узайтириш ҳақидаги эълон dxarid.uz сайтида жойлаштирилади.
9	Танлов таклифлари солинга н ковертни очиш тартиби ва уларни баҳолаш мезонлари	9.1 Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда танлов комиссияси танлов таклифларини баҳолашни ўтказиш учун танлов иштирокчилари томонидан такдим этилган таклифли конвертларни очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш жараёнида иштирок этишга ҳақли.
	9.2	Танлов иштирокчиларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати, танлов таклифларини такдим қилиш якунланган вақтдан бошлаб ўн кундан ошмаслиги керак.
	9.3	Зарур бўлганда танлов комиссиясининг маъсул шахси иштирокчиларни танлов таклифларини очиш тadbирини ўтказиш санаси ва жойи ҳақида хабардор қилади. Иштирокчилар танлов комиссиясининг мажлисига келмаган тақдирда, танлов таклифлари солинган конвертлар бир томонлама тартибда очилади.
	9.4	Танлов иштирокчиларининг таклифи солинган конвертларни очиш танлов комиссиясининг мажлисида амалга оширилади.
	9.5	Эълонда танловни ўтказиш вақти сифатида кўрсатилган вақтда, танлов комиссияси таклифларни баҳолаш учун танлов иштирокчиларининг таклифи солинган ковертларни навбати билан очади. Танлов иштирокчисининг ваколатли вакили конвертларни очиш жараёнида қатнашиши мумкин. Конвертларни очиш жараёнида барча такдим этилган ҳужжатлар ва иштирокчиларнинг тижорат таклифи нархи маълум қилинади.
	9.6	Таклифлар солинган ковертни очишда ундаги барча ҳужжатларнинг мавжудлиги ва тўғри расмийлаштирилгани таекширилади. Конвертда тегишли ҳужжатлар бўлмаган тақдирда, танлов комиссияси ушбу таклифнинг кўриб чиқилиши ва баҳолалишини рад этишга ҳақли.
	9.7	Танлов комиссияси танлов ҳужжатларида кўрсатилган мезонлар асосида танлов ғолибини аниқлаш учун рад этилмаган таклифларнинг баҳолалишини амалга оширади.
	9.8	Танлов иштирокчиси такдим этган ҳужжатларда мавжуд бўлган маълумотларнинг ишончсизлиги аниқланган тақдирда, танлов комиссияси бундай иштирокчини танловда қатнашишдан четлатишга ҳақли бўлади.
	9.9	Танлов таклифларини баҳолаш ва танлов ғолибини аниқлаш, танлов ҳужжатларида баён этилган мезонлар асосида амалга оширилади (2-илова)
	9.10	Таклиф, агар у қонун, қарор ва танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқ бўлса, тегишлича расмийлаштирилган деб тан олинади.
	9.11	Агар танлов иштирокчиси қонун ва қарорда белгиланган талабларга жавоб бермаса ёки танлов иштирокчиси такдим этган таклиф танлов ҳужжатларига мувофиқ келмаса, ушбу таклифни рад этишга ҳақли.
	9.12	В Танлов таклифларини баҳолаш жараёнида танлов комиссиясининг маъсул шахси иштирокчиларга танлов таклифида кўрсатилган у ёки бу маълумотни тасдиқлаши ёки тушунтириши бўйича ёзма шаклдаги сўров юборишга ҳақли. Бундай сўровларни олган иштирокчилар танлов комиссиясига ёзма жавоб бериши ва сўралаётган маълумотни такдим этиши лозим. Бундай ёзишмалар давомида танлов таклифининг техник қисмига бирор-бир ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмайди.
	9.13	Агар танлов иштирокчилари таклифларни турли валюталарда такдим этишса, таклифларнинг қиймати уларни баҳолашда мазкур танлов ҳужжатининг 7.15 бандида кўрсатилган таклифларни бериш санаси ҳолатига кўра Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг курси бўйича ягона валютада қайта ҳисобланади.

- 9.14 Танлов ҳужжатлари ва таклифда кўрсатилган мезонлар асосида шартномани бажаришнинг энг яхши шартларини таклиф этган танлов иштирокчиси ғолиб деб тан олинади.
- 9.15 Арифметик ёки бошқа ҳатолар бўлган тақдирда, танлов комиссияси танлов таклифини рад этишга ҳақли бўлади.
- 10 **Томонларнинг жавобгарлиги ва махфийликка риоя қилиш** 10.1 Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган жавобгарлик қуйидагилар зиммасига юкланади:
- такдим этилаётган танлов таклифларининг ҳисобини юритаётган ва уларнинг сақланиши ва махфийлигини таъминлаётган, ишчи орган таркибига кирувчи шахслар:
- комиссия раиси ва аъзолари, шунингдек танлов таклифларини ўрганиш учун тузилган ишчи гуруҳ аъзолари маълумотларни ошқор қилгани, иштирокчилар ва комиссиянинг бошқа аъзолари, шунингдек жалб қилинган экспертлар билан тил бириктиргани, шунингдек бошқа қонунга хилоф ҳаракатлар учун.
- шартнома бўйича ўз мажбуриятларини (миқдорий, сифат ва техник параметрлар бўйича) бажармаган танлов ғолиби Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ва ёки тузилган шартномада назарда тутилган жавобгарликка эга бўлади.
- 11 **Бошқа шартлар** 11.1 Танловда иштирок этиш истагини билдирган иштирокчилар, ўтказилаётган танлов бўйича тушунтиришларни олиш учун маъсул шахсга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.
- 11.2 Буюртмачи Харид комиссияси билан келишган ҳолда, танловда иштирок этиш учун таклифларни бериш муддатининг якунланиш санасидан камида уч кун олдин танлов ҳужжатларига ўзгартириш киритиш ҳақида қарор қабул қилишга ҳақли.
- 11.3 Хизмат предмети ва ҳажмига ўзгартириш киритишга йўл қўйилмайди. Бунда танловга таклифларни такдим қилишнинг якунланиш муддати, танлов ҳужжатларига ўзгартиришларни киритиш санасидан бошлаб камида ўн кунга узайтирилиши керак.
- 11.4 Танлов иштирокчиси буюртмачига танловни ўтказиш учун берилган эълонда белгиланган шаклда танлов ҳужжатларидаги қондалар бўйича тушунтириш олиш бўйича сўров юборишга ҳақли. Буюртмачи ушбу сўров келиб тушган кундан бошлаб икки иш куни давомида, агар мазкур сўров буюртмачига таклифларни бериш муддати якунланган санадан камида икки кун олдин келган бўлса, танлов ҳужжатларининг қондалари бўйича тушунтиришни белгиланган шаклда йўллаши шарт.
- 11.5 Танлов иштирокчиси танлов таклифлари қабул қилинишининг охириги муддати якунланганга қадар танлов комиссиясига такдим этилган танлов таклифига ўзгартириш киритишга ҳақли. Танлов таклифига ўзгартириш киритиш тартиби қуйидаги тартибда амалга оширилади:
- танлов иштирокчиси танлов комиссиясига олдинги конверт очилганга қадар елимланган ва юзасига "Ўзгартириш" деб ёзилган, ўзгартирилган таклиф солинган янги конвертни такдим этади;
- алмаштирилган конверт иштирокчига очилмаган ҳолда қайтарилади.
- 11.6 Танлов комиссияси томонидан танлов қуйидаги ҳолларда ўтказилмаган деб ҳисобланади:
- агар танловда битта иштирокчи қатнашган ёки умуман ҳеч қандай иштирокчи қатнашмаган бўлса;
- агар таклифларни кўриб чиқиш натижалари бўйича танлов комиссияси барча таклифларни рад этган ёки фақат битта таклиф танлов талабларига мувофиқ бўлса;
- барча такдим этилган танлов таклифлари зарур бўлган ҳужжатлар тўпламига эга бўлмаса.
- 11.7 Буюртмачи ғолиб бўлган таклиф акцептига қадар исталган вақтда танловни бекор қилишга ҳақли. Буюртмачи танловни бекор қилган тақдирда, ушбу бекор қилиш қарорининг асосланган сабабларини махсус ахборот порталида эълон қилади.
- 12 **Шартномани тузиш** 12.1 Танлов натижалари бўйича шартнома танлов ҳужжатларида ва шартнома тузилаётган танлов иштирокчиси томонидан такдим этилган таклифда кўрсатилган шартларда тузилади.
- 12.2 Танлов комиссиясининг қарори бўйича ғолиб деб эълон қилинган танлов иштирокчиси буюртмачидан тегишли хабарномани олади.
- 12.3 Танлов ғолиби томонидан шартноманинг ўз вақтида имзоланмаслиги, шартномани тузишдан бош тортиш деб баҳоланади. Ушбу ҳолатда танловнинг кейинги

иштирокчиси (захирадаги, яъни баҳолаш якуни бўйича иккинчи ўринни эгаллаган иштирокчи)нинг макбул таклифи кўриб чиқилади.

1-илова

Малакавий ҳужжатлар

РЎЙҲАТИ

1. Танлов комиссияси раиси номига берилган танловда иштирок этиш учун буюртма (1-шакл).
2. Танлов иштирокчисининг муҳри билан тасдиқланган ташкилотнинг давлат рўйхатидан ўтганлигини тасдиқловчи гувоҳнома нусхаси.
3. Кўрсатилган хизмат турларини кўрсатиш учун лицензия ва руҳсат берувчи ҳужжатларнинг нусхалари.
4. Ташкилот директорининг тайинланиши ҳақидаги буйруқ (ёки директори номидан ваколатли шахсга берилган ишончнома) нусхаси, шунингдек директор (ваколатли шахс)нинг паспорт нусхаси.
5. Иштирокчи қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик бокчида, буюртмачи билан суд ёки арбитраж иш ҳолатида эмаслигини тасдиқловчи, шунингдек аввал тузилган шартномалар бўйича тегишли тарзда бажарилмаган мажбуриятларнинг йўқлигини тасдиқловчи қафолат хати (2-шакл).
6. Танлов иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (3-шакл).
7. Ваколатли орган томонидан тасдиқланган иштирокчининг молиявий аҳволи ҳақидаги маълумот (тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим қилиш эҳтимоли билан) (4-шакл).
8. Танловда ташкилот (компания) раҳбари иштирок этиш имконияти мавжуд бўлмаса, қуйидагиларга ваколатли бўлган вакил номига ишончнома берилиши лозим(5-шакл):
 - а) танлов ҳужжатларини тақдим этиш;
 - б) танлов буюртмачиси ва танлов комиссияси билан музокараларни ўтказиш;
 - в) танлов комиссиясининг мажлисларида иштирок этиш;
 - г) танлов таклифининг техник ва нарх қисми доирасидаги масалалар, шунингдек боқша масалаларга ойдинлик киритиш.
9. Резидентлар учун: Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарздорликни йўқлиги ҳақида Давлат солиқ инспекциясидан маълумотнома.
10. Танлов савдолари иштирокчисининг таъсисчилар ҳақидаги маълумот қайд этилган Устави (Низоми).

2-илова

Иштирокчиларни малакавий баҳолаш тартиби ва мезонлари

Танловда иштирок этиш учун иштирокчиларни малакавий танлашнинг тартиби ва мезонлари.

Малакавий баҳолаш танлов комиссияси томонидан танлов бошланганга қадар амалга оширилади. Агар иштирокчи томонидан талаб қилинган маълумот тақдим этилмаган бўлса, танлов комиссияси уни танловда иштирок этишига йўл қўймасликка ҳақли.

Малакавий баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Баҳо	Изоҳ
1	Илгари тузилган шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажарилиши	Тегишли тарзда / тегишлича эмас (иштирокчининг қафолат хати асосида ўтказилади)	Агар тегишли тарзда бўлмаса, иштирокчи четлаштирилади
2	Иштирокчининг молиявий кўрсаткичларининг тақдим этилиши	Бор / йўқ	Агар тақдим этилмаган бўлса, комиссия иштирокчини четлатишга ҳақли бўлади

3	Иштирокчининг қайта ташкил этиш, тугатилиш ёки банкротлик ҳолатида эканлиги	ха / йўқ (иштирокчининг кафолат хати асосида ўтказилади)	Агар мезонда кўрсатилган ҳолат бўлса, иштирокчи четлаштирилади
4	Иштирокчининг Буюртмачи билан суд ёки арбитраж иш ҳолатида эканлиги	ха / йўқ (иштирокчининг кафолат хати буюртмачининг маълумоти асосида ўтказилади)	Агар мезонда кўрсатилган ҳолат бўлса, иштирокчи четлаштирилади
5	Иштирокчининг Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритилганлиги	киритилган / киритилмаган	Агар киритилган бўлса, иштирокчи четлаштирилади
6	Имтиёзли солиқ режимини тақдим қилувчи ва/ёки молиявий амалларни ўтказишда маълумотни ошқор қилиш ва тақдим қилишни назарда тутмайдиган давлатлар ёки ҳудудлар (офшор зоналар)да рўйхатдан ўтган ва банк ҳисоб-ракамларига эга бўлган иштирокчилар ёки уларнинг таъсисчилари	тасдиқланган/ тасдиқланмаган	Агар тасдиқланган бўлса, иштирокчи танловдан четлаштирилади

Танловнинг техник ва нарх қисмини баҳолаш

Танлов комиссияси томонидан танлов таклифи ва ҳужжатларининг техник қисми асосида амалга оширилади. Иштирокчиларнинг техник баҳолаш бўйича ўтмаган таклифлари четлаштирилади.

Баҳолаш мезонлари

№	Мезон	Баҳо	Изоҳ
1	Танлов ҳужжатлари талабларига мувофиқлиги (нарх ва техник талаблар)	Мувофиқ Мувофиқ эмас	Агар мувофиқ бўлмаса, иштирокчи танловдан четлаштирилади

Шунингдек қуйидагилар эътиборга олинади:

- таклифларнинг қўшимча техник, ташкилий ва тижорат афзалликлари;

Танловга яқун ясаш:

Савдоларнинг ғолиби сифатида энг яхши нарх ва техник таклифни тақдим этган, шунингдек танлов ҳужжатларининг тегишли талабларига мувофиқ деб топилган компания тан олинади.

ТЕХНИК ҚИСМ

1. АСОСИЙ ТЕХНИК ШАРТЛАР

1.1. Танлов савдолари бўйича хизматларнинг миқдори, рўйхати ва техник кўрсаткичлари мазкур танлов ҳужжатининг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланган Техник топшириқда (бундан сўнг "Техник топшириқ") баён қилинган.

1.2. Танлов савдолари иштирокчиси томонидан таклиф этилаётган ва етказиб берилаётган Хизматлар, Техник топшириқда кўрсатилган кўрсаткичлардан кам бўлмаган кўрсаткичларга эга бўлиши ва мувофиқ бўлиши лозим.

1.3. Иштирокчилар ўз таклифларида техник кўрсаткичларга мувофиқликни аниқлаш учун қоникарли ҳолатдаги техник ҳужжатларни тақдим этишлари лозим.

Хизматларнинг танлов талабларига мувофиқлигининг ҳужжатли тасдиғи рус ёки ўзбек тилидаги тавсиф, йўриқнома ёки брошюра (каталог) кўринишида тақдим этилиши ва қуйидагилардан иборат бўлиши зарур:

таклиф этилаётган хизматларнинг асосий техник хусусиятларининг батафсил тавсифи;

хизматларнинг ушбу маълумотларга тўлиқ мослигини тасдиқловчи, Буюртмачи томонидан қилинган техник кўрсаткичларнинг барча бандлари бўйича шарҳлар;

танлов савдолари иштирокчилари техник топшириқда (кўрсаткичларда) кўрсатилган савдо маркалари ва/ёки стандарт рақамлари, қадок шаклига қилиниши мумкин бўлган ҳаволалар чекловчи хусусиятга эмас, балки тавсифий хусусиятга эга бўлишини назарда тутишлари керак.

1.4. Танлов савдоларининг иштирокчилари ўз таклифларида танлов комиссияси эътиборига, Техник топшириқда кўрсатилган хусусиятларга эквивалентлиги ёки улардан яхшироқ эканлигига танлов комиссиясини ишонтириши шarti билан мукобил стандарт савдо белгилари ва ёки стандарт ракамларини такдим этишлари мумкин.

НАРХ ҚИСМИ

1	Лойиҳанинг чекланган қиймати	<u>Хизматларнинг чекланган қиймати 15% ҚҚСни ҳисобга олган ҳолда 510 000 000,00 (беш юз ўн миллион) сўм.</u>
2	Молиялаштириш манбаи	<u>бюджетдан ташқари маблағлар</u>
3	Иштирокчилар үчүн тўлов шартлари	<u>Ўзбекистон Республикасининг "Давлат харидлари тўғрисида"ги қонунига мувофиқ (41-модда), Шартнома умумий суммасининг камида 30% миқдоридаги аванс тўлови шартнома тўғрисидаги маълумотлар шартномалар реестрига киритилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилади.</u>
4	Тўлов валютаси	<u>Ўзбек сўми</u>
5	Етказиб бериш муддати	<u>4-8 соат, 24/7</u>
6	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	<u>танлов таклифларини топшириш тугаган кундан бошлаб камида 30 кун.</u>

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

Сон: _____

Сана: _____

Танлов комиссияси

ТАЛАБНОМА

Хизматларни кўрсатиш бўйича (*таклиф этилаётган хизматлар номи кўрсатиш*) танлов ҳужжатларини, ...-сонли сўровларга жавобларни (*ёзма мурожаатлар ва уларга жавоблар бўлган тақдирда сўровлар рақамларини кўрсатиш*) ўрганиб чиққандан сўнг, биз мазкур ҳужжат билан уларни қабул қилганлигимизни тасдиқлаймиз, биз қуйида имзо чекувчилар (*Танлов иштирокчиси номи*), танлов ҳужжатларига мувофиқ хизматлар кўрсатиш бўйича танловда қатнашиш ниятидамиз.

Шу муносабат билан биз қуйидаги ҳужжатларни ташки конвертда юборамиз:

1. __ варақдан иборат малакавий ҳужжатлар тўплами (варақлар сонини кўрсатиш, агар рисолалар, буклетлар, проспектлар, компакт-дисклар ва бошқалар тақдим этилган бўлса, уларнинг сонини кўрсатиш);
2. Қонкуре таклифининг техник ва нарх қисми солинган конверт;
3. Бошқа ҳужжатлар (*агар бошқа ҳужжатлар тақдим этилса, варақларнинг номи ва сонини кўрсатиш керак*).

Танлов таклифини тайёрлаш учун масъул шахснинг ФИО:

Алоқа қилиш учун телефон/факс: _____

Электрон почта манзили: _____

Рахбарнинг ёки ваколатли шахснинг ФИО ва имзоси

Муҳр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

Сон: _____

Сана: _____

Танлов комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Мазкур хат билан шуни тасдиқлаймизки, компания _____
(компания номдони)

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида турмайди.
- (бюртмачининг номи) билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида эмас
- илгари тузилган шартномалар бўйича тегишли равишда бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас

Имзолар:

Раҳбар ФИО _____

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) ФИО _____

Юрист ФИО _____

Мухр ўрни

Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот

1	Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган холда тўлик номи	
2	Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатга олинган сана, рўйхатга олиш рақами, рўйхатдан ўтказган органнинг номи)	
3	Юридик манзил	
4	Алоқа қилиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлик банк реквизитлари	
6	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	

Муқобил хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлар (муқобил дастурий маҳсулотлар билан таъминланган ташкилотларнинг алоқа қилиш рақамларини кўрсатиш керак).

№	Хизматлар номланиши	Харидорнинг исми, унинг манзили ва алоқа қилиш маълумотлари	Хизматлар кўрсатиш санаси	Эслатма

(ваколатли шахс имзоси)

(Ваколатли шахс ФИО ва лавозими)

М.Ў.

Сана: 2022-йил “ ___ ” _____

ФИРМА БЛАНКАСИДА

ИШОНЧНОМА

Устав (Низом ва бошқалар) асосида, _____ номидан иш юритувчи, бундан кейин матида "Компания" деб юритиладиган _____ компанияси (корхона, завод ва бошқалар) мазкур ишончнома билан Компания вакили – фуқарога (_____ йилда _____ томонидан берилган _____ - сонли ___ серияли паспорт) куйидаги ваколатларни беради.

- а) танлов ҳужжатларини тақдим этиш;
- б) танлов буюртмачиси ва танлов комиссияси билан музокаралар олиб бориш;
- в) танлов комиссиясининг мажлисларида катнашиш;
- д) танлов таклифининг техник ва нарх қисмига оид саволларга, шунингдек, бошқа саволларга ойдинлик киритиш.

Мазкур ишончнома имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради ва шартнома танлови натижалари бўйича тузилган бандларни келишишнинг бутун жараёни, уни имзолаш, экспертизадан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида рўйхатдан ўтказиш (хорижий етказиб берувчи билан импорт контракт тузилган тақдирда) тартиби бўйича иш юритади.

Шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар улар якуний бажарилгунга қадар тўлиқ ҳажмда "Компания"га ўтади.

Раҳбарнинг ёки ваколатли шахснинг ФИО ва имзоси

Ушбу ишончнома берилган шахснинг ФИО ва имзоси

Мухр ўрни

ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИ

_____ (танлов мазмуни ва сонини кўрсатинг) Танлов учун техник таклиф

Сон: _____

Сана: _____

Танлов комиссияси

Хурматли хонимлар ва жаноблар!

Кир ювиш хизматларини кўрсатиш бўйича танлов савдолари учун хужжатларни ўрганиб чикиб, биз, куйида имзо чекувчилар *(Танлов иштирокчисининг тўлиқ номланиши)*, _____ ишлаб чиқарилган *(ишлаб чиқарувчини кўрсатинг)* _____ миқдорда _____ *(таклиф этилаётган хизмат номини кўрсатинг)* амалга оширишни таклиф қиламиз.

Биз ушбу техник таклифга тўлиқ мувофиқ равишда Танлов голиби билан тузиладиган шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оламиз.

Биз Танлов таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати сифатида белгиланган санадан бошлаб 30 кун давомида мазкур таклиф қоидаларига риоя қилишга розилик берамиз. Ушбу Танлов таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- ___ та варақда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг киёсий жадвали;

- техник хужжатлар рўйхати (рисолалар, техник паспортлар, фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва бошқалар ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа хужжатлар);

Тақдим этилган хужжатлар тикилган, рақамланган ва ваколатли шахснинг имзоси ва танлов иштирокчисининг муҳри билан муҳрланган бўлиши керак, хужжатлар рус тилида тақдим этилиши керак.

(ваколатли шахс имзоси)

(Ваколатли шахс ФИО ва имзоси)

М.Ў.

Сана: 2022-йил “__” _____

Таклиф этилаётган хизматлар учун техник тавсифларнинг қиёсий жадвали

№	Параметр номланиши	Техник топширик талабларига мувофик кўрсаткич	Иштирокчининг таклифига кўра кўрсаткич	Эслатма (мос келади / мос келмайди)
	<i>_____ таклиф (етказиб бериладиган маҳсулот номланиши)</i>			
1				
2				

Иштирокчи раҳбарининг ёки ваколатли шахсининг ФИО ва имзоси

Мухр ўрни

ФИРМА БЛАНКИГА

НАРХ БЎЙИЧА ТАКЛИФ

хизматлар учун (хизмат номини кўрсатинг)

Сана: (танловли таклифни бериши санасини ёзинг).

КИМГА: Танлов хайъатига.

Биз қуйида имзо чекувчилар шуни маълум қиламизки, танлов ҳужжатларини тўлалигича ўрганиб чиқдик ҳамда дастурий маҳсулотни ишлаб чиқиш жараёнида ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг табиати билан танишиб чиқдик.

Барча талабларни таҳлил қилгандан сўнг танлов савдолари шартларига мувофик (хизматлар номини кўрсатинг) кўрсатишни таклиф қиламиз:

- тўлов шартлари - _____;
- хизмат кўрсатиш шартлари - _____;
- хизматларни кўрсатиш муддати - _____;

Кўрсатиладиган хизматларнинг умумий қиймати _____ (танлов таклифининг умумий қийматини сонлар ва сўзлар билан, шунингдек тўлов валютасини ёзиб кўрсатиш) ни ташкил қилади ва илова қилинган нархлар жадвалида кўрсатилган бўлиб, у мазкур танлов таклифининг ажралмас қисми ҳисобланади.

Биз Танлов таклифларини қабул қилишнинг охири куни деб белгиланган кундан бошлаб 60 кун мобайнида мазкур таклифнинг қодаларига амал қилишга розимиз. Мазкур танлов таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва ушбу давр якунлангунга қадар исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Биз танлов комиссияси энг паст танлов таклифини қабул қилишга мажбур эмаслигини, балки барча баҳолаш кўрсатишлари ва меъзонлари бўйича энг яхши таклифни қабул қилишини тушуниб етамиз.

Сана: «__» _____ 2022 й.

Раҳбар ёки масъул шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Мухр ўрни

ФИРМА БЛАНКИДА

НАРХЛАР ЖАДВАЛИ

№	Хизматлар номи	Ўлчов бирлиги	Мик- дори	Бир бирлик нархи	Умумий миқдор учун жами
1.					
2.					

Сана: «__» _____ 2022 й.

Муҳр ўрни

Раҳбар ёки масъул шахснинг Ф.И.Ш. ва имзоси

Изоҳ: маҳсулотнинг бир бирлигининг нархида ва умумий қиймат ўртасида фарқ бўлса, бир бирлик маҳсулот нархи устун кучга эга бўлади.

_____ [Иштирокчининг номи ва почта манзили]
 Менежер
 Менежернинг телефон рақами

Ўзбекистон Республикаси Монополияга қарши
 қўмитаси
 Харидлар комиссияси

«КК» ОООО 2022 йил соат 00:00 (маҳаллий вақт) гача ОЧИЛМАСИН
 Танловда иштирок этиш учун №№№№№№№-сонли лот

Чойшабларни ювиш бўйича аутсорсинг хизмати учун

Таклиф келиб тушган сана: «___» _____ 2022 йил

Соат _____ дақиқа.

* Танлов таклифи кўрсатилган конвертларни қабул қилишни танлов ташкилотчиси:

_____ амалга оширади, телефон (71) _____.

E-mail: _____

Танлов кўрсатилган конвертни беришда ёнингизда шахсни тасдиқловчи ҳужжатингиз бўлиши лозим.

Комиссия аъзолари:

М.Х. Хайрутдинова _____

С.С. Хасанова _____

Д.Н. Камилова _____

Ф.Э. Зиямутдинова _____

Д.У. Зияева _____

Г.Файзиева _____

С.К. Тараян _____

А.Максудов _____

З.А. Абзадова _____